O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI HUQUQIY AXBOROT MARKAZI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 23-NOYABR ■ SESHANBA ■ 139 (27.314) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Сайлов кампаниясининг муҳим босқичи ўз ниҳоясига етди. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди.

Марказий сайлов комиссиясининг сайловолди тадбирларини ўтказиш бўйича ҳаракатлар дастурига кўра жорий йилнинг 20 ноябрида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишга доир мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатликка 120 номзод (119 номзод рўйхатга олинди), Ўзбекистон Халқ демократик партияси 120 номзод (118), Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси 89 номзод (89), Ўзбекистон Миллий тиклаиш демократик партияси 62 номзод (61), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 76 номзод учун (74) ҳужжат тақдим этди.

Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олинган 150 дан ортиқ сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 86 ҳужжат келиб тушди. Қолганлари 8 фоиз сайловчилар имзосини тўплай олмади.

22 та сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ҳужжатлари тегишли округ сайлов комиссиялари илтимосига биноан қайтарилди, 8 ташаббускор гуруҳ имзо варақаларида бир киши томонидан қўйилган бир неча имзолар аниқлангани боис, улар кўрсатган номзодларни рўйхатга олиш рад этилди. Ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган депутатликка номзод сифатида 56 фуқаро рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссиясига жами 531 номзод рўйхати (517 номзод рўйхатга олинди) тақдим этилди. Ўртача ҳисобда битта сайлов округига 4-5 номзод тўғри келади (1999 йили ҳам бу кўрсаткич 4-5 кишини ташкил қилган). 14 киши рўйхатдан ўтмади, бу эса 2,6 фоизни ташкил қилади (1999 йилда 9,2 фоиз эди).

Депутатликка номзодларнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар, сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида сайлов кампаниясида янги босқич — сайловолди ташвиқоти бошланиши муносабати билан сайлов жараёни иштирокчиларининг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шунингек, мажлисда сиёсий партияларни молиялаштириш масаласи хусусида сўз борди.

(ЎзА)

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олмай туриб уй-жой, коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари учун нархларнинг оширилишига қатъиян қаршилик билдиради

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Қадрли оғам,

Қўҳна Бухоро заминига ташриф чоғида мен ва Туркманистон делегацияси аъзоларига кўрсатилган илиқ ва лутфан қабул учун Сизга ўзимнинг самимий миннатдорлигим ва ташаккуримни изҳор этаман.

Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Сизнинг алоҳида ўрнингизни биродарларча таъкидлаб ўтмоқчиман. Икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан тамомила янги поғонага кўтаришга қаратилган муштарак самимий интилишимиз, учта муҳим ҳужжатнинг имзоланиши дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди, айрим жузъий тафовутларни бартараф этишга имкон яратди. Бугунги кунда Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасида баҳсли масалалар йўқ, биз қабул қилган қарорлар эса давлатларимиз ўртасидаги чегарани тинчлик ва дўстлик сарҳадига айлантиради. Келажак авлодлар учун икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисодий асосини барпо этади.

Қисқа, аммо ғоят мазмунли ташриф чоғида биз Ўзбекистонда туркман маданияти ва санъати юксак қадрланишидан мамнуният билан ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистон санъат усталарининг туркман қўшиқларини моҳирона ижро этишлари бизга улкан завқ бағишлади. Бунинг яна бир ёрқин далили — Тошкент шаҳрида ташкил этилган Туркманистон халқ-амалий санъати кўргазмасидир.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Гўзал мамлакатингизга ташриф чоғида бизга кўрсатган илиқ меҳмондўстлигингиз учун яна бир бор самимий миннатдорлигимни қабул этгайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт, серқирра фаолиятингизда зафарлар, биродар ўзбек халқига эса тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

Сапармурод НИЁЗОВ

Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида

ШАРТНОМА

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон, бундан кейин Олий Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар,

икки мамлакат халқлари ўртасида тарихан шаклланиб келган дўстона муносабатлар, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурматга асосланиб,

икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилишни ифодалаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига содиқликлари тўғрисида баён этиб, халқаро ҳуқуқ ҳамда умум инсоний қадриятларнинг умум эътироф этилган нормаларининг устуворлигини тан олиб,

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепциясига ва Туркманистоннинг бетараф давлат сифатида концептуал принциплари ҳамда ташқи сиёсати қоидаларига асосланиб,

икки томонлама ҳамкорликка янги сифат бериш ва унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадига эга бўлиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар суверенитет, мустақиллик ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро ишонч ҳамда очиқлик, тенглик ва бир-бирларининг манфаатларини инобатга олиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатлараро икки томонлама муносабатлар ривожланишининг биринчи асрдаги асоси ҳисобланади деб аҳдлашиб олдилар.

Шу маънода Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўз муносабатларини дўстона давлатлар сифатида доимо ривожлантирадилар.

2-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва амалий мулоқотни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон халқлари манфаатларига хизмат қиладиган уларнинг ташқи сиёсатини устувор йўналишлардан бири сифатида кенг ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантиришга бўлган ўзгармас содиқликларини тасдиқлайдилар.

3-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги чегара тинчлик, дўстлик, хавфсизлик, барқарорлик ва икки давлат ҳамда халқлар орасидаги ишончни мустаҳкамлаш чегараси эканлигини тасдиқлайдилар.

4-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар халқаро тинчлик, ҳуқуқий тартибот, минтақавий ва глобал миқёсларда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишида жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Улар бу кўмакни зарур дипломатик воситалар ва усуллардан фойдаланиш, шунингдек халқаро ташкилотлар билан, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан яқин ҳамкорлик воситасида амалга оширадилар.

5-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар низоларни бартараф этиш ва тартибга солиш, хавфсизлик ҳамда барқарорлик, ишончни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш ишида БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши ролининг янада кучайтирилишга, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида қайд этилган мақсад ҳамда принципларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратадилар.

(Давоми 2-бетда.)





Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигига қарашли Наманган стандартлаштириш ва метрологик бошқармаси жойлашган бинода вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази ҳам фаолият юритади.

Бошқармада ишлайдиган жами 10 нафар раҳбар ходимнинг бари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Синов ва сертификатлаштириш марказида ишлайдиган 64 нафар раҳбар ва мутахассиснинг 58 нафари партиямиз сафида. Ана шу бир бутун жамоага айланиб кетган икки тармоқнинг 63 нафарлик ҳудудий бошланғич ташкилотига муҳандис Маъмурахон Бойдадаева етакчилик қилади. Айни кунларда партия фаоллари сайловолди ташвиқотларини қизғин олиб боришмоқда.

Суратларда: «Ўздавстандарт» Наманган ҳудудий бошқармаси раҳбари Абдурашид Убайдуллаев, ХДП бошланғич ташкилоти котибаси Маъмурахон Бойдадаева, ўлчам воситаларини қиёслаш бўлими мутахассислари Замирахон Жўраева, Анваржон Маматов, Қудратжон Шодмоновлар сайловга тайёргарлик ишларини муҳокама этишмоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январда имзоланган Шартноманинг қоидаларига амал қилиб,

икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ўз давлатлари фуқаролари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилишни ифодалаб,

давлат чегарасини кесиб ўтиш қоидаларини тартибга солиш, Томонлар давлатларининг ҳудудларига фуқароларнинг киришлари, чиқишлари ва унда бўлишларини тартибга солиш мақсадида,

икки давлат фуқароларининг қатновлари шартларини янада такомиллаштириш давлат чегараси режимини мустаҳкамлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлашга хизмат қилади деб ҳисоблаб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Бир Томон давлатининг фуқаролари 1- ва 2-иловаларда санаб ўтилган амалдаги ҳужжатлари бўйича ва ушбу Битимда назарда тутилган тартибда бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари, чиқишлари, транзит ўтишлар ва унда вақтинча бўлишлари мумкин.

Ушбу Битимда тартибга солинмаган масалалар Томонлар давлатларининг миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

2-модда

Томонлар давлатларининг фуқаролари бошқа Томон давлатининг ҳудудида бўлганларида шу Томон давлатининг қонун ва қоидаларига, жумладан хорижий фуқаролар учун белгиланган рўйхатдан ўтиш, бўлиш ва унда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилишлари лозим.

3-модда

Томонлар давлатларининг фуқаролари давлат чегарасида ўтказиш пунктлари орқали Томонлардан бир давлатининг ҳудуди орқали Томонлар давлатларининг миллий қонун ҳужжатларида назарда тутилган чегара, божхона ва бошқа процедураларга риоя қилган ҳолда киришлари, чиқишлари ва ундан транзит тарзида ўтишлари мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахслар томонидан ўзбек — туркман чегарасини кесиб ўтишлари тўғрисида

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январда имзоланган Шартноманинг қоидаларига амал қилиб,

давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини такомиллаштириш мақсадида ва чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг киришлари, чиқишлари ва унда бўлишларининг ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган хўжалик объектларига хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари бўлган фуқаролари (бундан кейин хизмат кўрсатиш персонали ходимлари деб аталади) ҳудудида мана шу объектлар жойлашган давлат Томонининг ваколатли органлари тарафидан давлат чегараси чизиғида бериладиган олдиндан расмийлаштирилган рухсатномалар асосида хизмат вазифаларини бажариш учун фуқароларнинг амалдаги миллий паспортлари ўзлари билан мавжуд бўлган ҳолда юборувчи Томондан дипломатик каналлар орқали олдиндан тақдим этилган шахслар рўйхатларига биноан визасиз кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

(Давоми 2-бетда.)

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимларининг қозоғистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда амалга оширган тергов-тезкор тадбирлари натижасида жорий йилнинг 30 июль куни Тошкент шаҳрида террорчилик актларини содир этиб, ўзларини портлатиб юборган жиноятчиларнинг шахслари аниқланди. Уларнинг шахслари одам ДНКси бўйича ўтказилган суд-биологик экспертизаларининг хулосалари билан ҳам тасдиқланган.

Хусусан, ўз-ўзини портлатган жиноятчилар қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносининг фойесида — **Шаюсупов Авасхан Исраилович,** 1966 йилда Қозоғистон Республикасининг Тараз шаҳрида туғилган ва шу жойда яшаб келган, Қозоғистон Республикаси фуқароси;

2. Исроил давлатининг Тошкент шаҳридаги элчихонаси ёнида — **Валиев Мавлон Кусанович,** 1976 йилда Қозоғистон Республикасининг Тараз шаҳрида туғилган ва шу жойда яшаб келган, Қозоғистон Республикаси фуқароси;

3. АҚШнинг Тошкент шаҳридаги элчихонаси ёнида — **Искаков Дулат Габсламович,** 1972 йилда Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида туғилган, Атирау шаҳрида яшаган, Қозоғистон Республикаси фуқароси.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу муносабат билан Олий Аҳдлашувчи Томонлар БМТнинг гиёҳвандлик воситаларнинг ноқонуний юргизилиши билан боғлиқ трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш Марказий Осиё минтақавий ахборот Марказини Тошкент шаҳрида ва БМТнинг превентив дипломатияси бўйича қароргоҳи Ашҳобод шаҳрида жойлашган Марказни тузиш зарурлигини эътироф этдилар.

6-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча масалалар бўйича икки давлат Раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ва маслаҳатлашувларни олиб боришга келишиб олдилар.

Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлат манфаатларига дахл қиладиган долзарб минтақавий масалалар бўйича ҳам олий давлат даражасида зарур маслаҳатлашувларни олиб борадилар.

7-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар терроризм, жиноятчилик, контрабанда, гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний юргизилиши, давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларга икки давлатнинг ҳуқуқтартибот, чегара, миграция ва божхона органлари йўналишлари бўйича ўзаро ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш орқали уларга қарши курашда саъй-ҳаракатларини янада бирлаштириш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

Шу мақсадларда Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлатнинг чегарабўйи туманларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда давлат чегарасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор аниқ тадбирларни қўллашга келишиб олдилар.

8-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки томонлама муносабатларга янги сифатли ҳар томонлама шерикчилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик даражасини бериш мақсадида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги, шунингдек таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни узоқ муддатли асосда кенгайтирадилар.

9-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг мавжуд имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадларда Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро манфаат асосида иқтисодий ҳамкорликнинг турли шаклларидан фойдаланишга алоҳида эътиборни кучайтириб, унинг амалга оширилиши учун зарур саъй-ҳаракатларини қаратадилар.

Олий Аҳдлашувчи Томонлар иқтисодий муносабатларнинг янги шаклларини икки томонлама ҳамжиҳатлик тажрибасига жорий қилишни рағбатлантирадилар. Улар товарлар ва хизматлар бозори, икки томонлама инвестициявий фаолиятнинг ишлашини кучайтирадилар.

10-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар иқтисодий шерикчиликнинг устувор йўналишларидан бири чегарабўйи савдо эканлигини эътироф этадилар.

Чегарабўйи савдони ташкил қилишни такомиллаштириш ва икки давлат ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни амалга оширишни кучайтириш мақсадида Олий Аҳдлашувчи Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ҳамда Бухоро вилоятлари, Туркманистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятлари чегарабўйи пунктларида савдо марказларини очиш зарурлиги тўғрисида келишиб олдилар.

Савдо марказларини очиш ва уларнинг ишлаши билан боғлиқ аниқ масалалар икки давлат ҳукуматлари ўртасида тузиладиган алоҳида битимлар орқали белгиланади.

11-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар фан ва таълим соҳасида ҳамкорлик қиладилар ҳамда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига кўмаклашадилар. Улар биргаликдаги илмий дастурлар, айниқса, илғор технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширадилар.

Олий Аҳдлашувчи Томонлар мутахассислар, олимлар ва илмий-техник ходимларнинг алмашувини рағбатлантирадилар.

12-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар соғлиқни сақлаш, санитар-эпидемиологик ҳолатнинг юқори даражасини таъминлаш, дори препаратлари ва тиббий техника ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

13-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Улар бу соҳада экологик хавфсизликнинг халқаро тизимини яратишга интилиб, минтақавий ва глобал миқёсларда келишилган хатти-ҳаракатларга кўмаклашадилар.

14-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликка кўмаклашувчи маданий ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этиб, маданий алмашувларни олқишлайдилар ва рағбатлантирадилар. Улар ўз ҳудудларида жойлашган археологик ҳамда тарихий маданий ёдгорликларга бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг эътиборини жалб қилиш учун зарур чораларни қўллайдилар.

15-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар спорт ва туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар. Улар икки мамлакатнинг тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, спорт ва туристик уюшмалари, шунингдек ўқув муассасалари ўртасидаги алоқаларни рағбатлантирадилар. Олий Аҳдлашувчи Томонлар биргаликдаги лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда мусобақалар ва бошқа қўшма тадбирларни ўтказишда уларни қўллаб-қувватлайдилар.

16-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар икки давлатнинг оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Шу мақсадларда Олий Аҳдлашувчи Томонларнинг матбуот, радио ва телевидение органлари ўзларининг ахборот ресурс ҳамда имкониятларини икки давлатнинг ютуқларини ёритиш, уларнинг халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланадилар.

17-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартномани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон Президентларининг топшириқларига биноан икки давлатнинг ҳукуматлари ҳамда вазирлик ва идоралари раҳбарлари даражасида учрашув ҳамда маслаҳатлашувлар олиб борилишига келишиб олдилар.

18-модда

Ушбу Шартнома Олий Аҳдлашувчи Томонларнинг улар иштирок этган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл чиқармайди.

Ушбу Шартнома ҳеч қайси бир давлат ёки давлатлар гуруҳи манфаатларига қарши қаратилмаган.

19-модда

Ушбу Шартномани талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар Олий Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ёҳуд музокаралар орқали ҳал қилинади.

20-модда

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан бошлаб кучга киради.

Бухоро шаҳрида 2004 йил 19 ноябрь (Санжар)да икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Шартноманинг қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Туркманистон номидан
Туркманистон Президенти
Сапармурод НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисида

БИТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўтказиш пунктлари рўйхати Томонлар ўртасида дипломатик каналлар орқали келишилади.

4-модда

Бир Томон давлатининг фуқаролари бошқа Томон давлатининг визасини олиш учун шу Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига ёзма мурожаатнома ва тегишли юридик ёки жисмоний шахснинг белгиланган тартибда расмийлаштирилган таклифномасини тақдим қиладилар. Ушбу Битимда қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

5-модда

1. Амалдаги дипломатик паспортларга эга бўлган Туркманистон ҳудудида узоғи билан ўттиз кун бўлиши назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва амалдаги дипломатик паспортларга ёки хизмат паспортларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узоғи билан ўттиз кун бўлиши назарда тутилган Туркманистон фуқаролари бошқа Томон давлатининг ҳудудига визасиз киришлари, чиқишлари ва унда бўлишлари мумкин.

2. Томонлар давлатларининг ушбу модданинг 1-бандида қайд этилган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудида ўттиз кундан ортиқ бўлишни ният қилсалар, виза олиш учун улар қайси Томон давлатининг фуқароси бўлсалар, ўша Томон давлати дипломатик ваколатхонасининг ёки консуллик муассасасининг ёзма мурожаатномаси зарур.

6-модда

1. Бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик ёки хизмат паспортларига эга бўлган фуқаролари бошқа Томон давлати ҳудудига дипломатик ваколатхоналар ҳамда консуллик муассасалари, расмий ваколатхоналарнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ходимлари бўлсалар, бутун хизмат давомида бошқа Томон давлати ҳудудига визасиз кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

2. Ушбу модданинг 1-бандидаги қоидалар мазкур фуқароларнинг расмий иш фаолияти даврида улар билан бирга яшайдиган ҳамда амалдаги дипломатик ёки хизмат паспортига эга бўлган оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги миллий фуқаролик паспортига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги дипломатик ваколатхоналари ва унга тенглаштирилган бошқа маъмурий-техник персонали аъзолари, шунингдек уларнинг оила аъзолари консуллик йиғимларини ундирмасдан расмийлаштирилган кўп маротабали визалар асосида Туркманистон ҳудудига кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

4. Ушбу модданинг 1-3-бандларида кўрсатилган шахслар қабул қилувчи давлат Ташқи ишлар вазирлигининг тегишли аккредитациясига эга бўлишлари лозим.

7-модда

1. Ўзбекистон Республикасининг Хоразм ва Бухоро вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларининг (ушбу Битимнинг 3-иловаси) Туркманистон чегарасига бевосита туташган туманларида доимий истиқомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг амалдаги миллий паспортларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Туркманистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятларига бир ойда бир марта визасиз киришлари, чиқишлари ва унда кўпи билан уч кун бўлишлари мумкин.

2. Туркманистоннинг Дашоуз ва Лебоп вилоятларида доимий истиқомат қилувчи ҳамда Туркманистон фуқароларининг амалдаги миллий паспортларига эга бўлган Туркманистон фуқаролари Хоразм ва Бухоро вилоятлари, шунингдек Туркманистоннинг давлат чегарасига бевосита туташган Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятлари (ушбу Битимнинг 3-иловаси) ҳудудларига бир ойда бир марта визасиз киришлари, чиқишлари ҳамда унда кўпи билан уч кун бўлишлари мумкин.

3. Рамазон ҳайити (Рамазон) ва Қурбон ҳайити (Қурбон байрам) кунлари анъанавий маросимларни бажариш мақсадида ушбу модданинг амал қилиши татбиқ этиладиган фуқаролар ушбу модданинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган Томонлар давлатларининг ҳудудларига бир ойда икки марта визасиз киришлари, чиқишлари, лекин кўпи билан етти кун унда бўлишлари мумкин.

4. Ушбу моддада қайд этилган фуқароларнинг яшаш жойлари Томонлар давлатлари фуқароларининг паспортларида прописка тўғрисида қўйиладиган белгилар асосида аниқланади.

5. Ушбу моддада кўрсатилган Томонлар давлатлари фуқароларининг бошқа Томон давлати ҳудудида ушбу моддада белгиланган муддатлардан кўп бўлишлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган визалар асосида амалга оширилади.

6. Ушбу модданинг амал қилиши татбиқ этиладиган иккала Томон давлатларининг фуқаролари халқаро алоқалар учун белгиланган ўтказиш пунктлари орқали давлат чегарасидан ўтиш вақтида Томонларнинг миллий қонунларига мувофиқ зарур бўлган процедураларга риоя қилган ҳолда бошқа Томон давлати ҳудудига киришлари ва ушбу ҳудуддан чиқишлари мумкин.

8-модда

Ушбу Битимнинг 1- ва 2-иловаларида санаб ўтилган ҳужжатлар бўйича визасиз кириш, чиқиш ва унда бўлиш тартиби иккала Томон давлатининг қуйидаги тоифадаги фуқароларга нисбатан белгиланади:

а) фуқаро авиацияси ҳаво кемалари экипажи аъзолари амалдаги миллий паспортларига кўра ва бош декларация (учиш вазифаси)даги қайднома мавжуд бўлганда;

б) дарё кемаси ва катерлари экипажи аъзоларининг амалдаги денгизчилар паспортларига кўра ҳамда кема роли қайдномаси ёки ундан кўчирма мавжуд бўлганда;

в) темир йўл поезд, рефрижератор ва локомотив бригадалари ходимларининг амалдаги миллий паспортлари ҳамда номма-ном кўрсатилган рўйхат, ҳар бир рейс учун тасдиқланадиган йўналиш варақаларига кўра;

г) ҳукуматлараро фельдъегер алоқаси ходимлари амалдаги миллий паспортлари ва Томонларнинг ваколатли органлари берадиган тегишли ҳужжатларга кўра.

9-модда

Бир Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларига хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари бўлган фуқаролари Томонлар ўртасида тузилган алоҳида битимда белгиланган тартиб ва шартларда хизмат вазифаларини бажариш учун бу Томон давлати ҳудудига кирадилар, чиқадилар ва унда бўладилар.

10-модда

Инсонпарварлик характеридаги кечиктириб бўлмас ҳолларда Томонларнинг ваколатли органлари оғир бетоб оила аъзоси ёки яқин қариндошини (эр-хотин, ота-оналар, болалар, туғишган акаукалар ва опа-сингиллар, эр-хотинларнинг ота-оналари) зиёрат қилиш мақсадида, шунингдек Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан берилган тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда оила аъзоси ёки яқин қариндошини кўмиш маросимида иштирок этиш учун кетаётган шахсларга бир сутка ичида визалар беради.

11-модда

Томонлар қуйидаги тоифадаги фуқароларга нисбатан визалар беришда консуллик йиғимларининг имтиёзли тарифларини ўзаролик асосида қўллайдилар:

кўмилган жойини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлган ҳолда яқин қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиш мақсадида кетаётган шахслар;

тегишли ҳужжатларни кўрсатган ҳолда 1941-1945 йиллардаги уруш ветеранлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1- ҳамда 2- гуруҳ ногиронлари.

12-модда

Томонлар давлатларининг фуқаролари тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда учинчи мамлакатларда тушиб қолиш ёки у ерга бориш мақсадида ўз Томони давлати ҳудудида транспорт воситасига миниш ва ундан тушиш шарти билан бошқа Томон давлати ҳудуди орқали транзит тарзида темир йўл транспортида визасиз юришлари мумкин.

13-модда

1. Ушбу Битим Томонларнинг бошқа Томон давлати фуқароларининг улар ҳудудида бўлиши номақбул деб топилган ҳолларда уларнинг кириб келишини рад этиш ёки чиқиш ва унда бўлиш муддатини чеклаш ҳуқуқига дахл қилмайди.

2. Томонлар бошқа Томон давлати ҳудудини белгиланган муддатга қадар тарк этиши лозим бўлган ёки чиқариб юборилган ўз давлатларининг фуқароларини қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

14-модда

Фавқулодда ҳолларда (миллий хавфсизликка, жамоат тартибига ёки фуқароларнинг соғлиғига таҳдид, шу жумладан юқумли касалликлар, табиий офатлар) Томонлар ушбу Битимнинг амал қилишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Томонлар ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва қайта тиклаш ҳақида мумкин қадар бу тўғрида қарор қабул қилинишидан энг камида 24 соат илгари олдиндан бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар.

15-модда

1. Томонлар ушбу Битим кучга киргандан сўнг 30 кун давомида ушбу Битимнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ҳужжатларнинг нусхаларини дипломатик каналлар орқали алмашадилар.

2. Янги ҳужжатлар киритиладиган ёки амалдаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритилган ҳолларда Томонлар бир-бирларини хабардор қиладилар ва янги ёҳуд ўзгартирилган ҳужжатларнинг нусхаларини уларнинг киритилишидан камида 30 кун илгари дипломатик каналлар орқали юборадилар.

3. Томонлар дипломатик каналлар орқали хорижий фуқароларнинг киришлари, чиқишлари, унда бўлишлари тартибларига оид амалдаги қонунчилик тўғрисида ва шу соҳадаги бошқа ахборотни алмашадилар.

16-модда

Томонлар ушбу Битимни бажариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида заруратга кўра маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

17-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра ушбу Битимга унинг 19-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ кучга кирадиган ва Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиш ҳамда тўлдиришлар киритилиши мумкин.

18-модда

Ушбу Битим қоидаларини бажариш ёки қўллаш давомида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёҳуд баҳсли масалалар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

19-модда

Ушбу Битим имзоланган кундан ўн беш кун ўтгач кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томондан ушбу Битим амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисидаги расмий хабарнома олган санадан кейин тўқсон кун ўтгунича амал қилади.

20-модда

Ушбу Битимнинг кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисида 1999 йил 6 ноябрь (Санжар)даги Битимнинг амал қилиши тўхтатилади.

Бухоро шаҳрида 2004 йил 19 ноябрь (Санжар)да икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Туркманистон ҳукумати номидан
Туркманистон Президенти
Сапармурод НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахслар томонидан ўзбек-туркман чегарасини кесиб ўтишлари тўғрисида

БИТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хизмат кўрсатиш персонали ходимлари учун рухсатномаларни расмийлаштиришда қилинган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган рўйхатга олиш йиғимлари ундирилади. Рухсатнома намунаси, унинг амал қилиш муддати ва уни расмийлаштириш учун ундириладиган йиғим ҳажми бундай рухсатномаларни берувчи Томондан белгиланади ва бошқа Томон эътиборига дипломатик каналлар орқали етказилади. Юборувчи Томон шахсларнинг рўйхатлари бўйича маълумотни ҳар ой тасдиқлайди ёки уларга киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

2-модда

Ҳудудида бошқа Томоннинг ҳўжалик объектлари жойлашган Томон юборувчи Томон дипломатик каналлар орқали тақдим қилган тегишли маълумотларга кўра хизмат кўрсатиш персонали ходимларининг ҳаракатланиш йўналишлари ва келиш жойларини рухсатномалар бўйича аниқлайди ва бу тўғрида бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

3-модда

Бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида ишлайдиган бир Томон давлати фуқаролари бўлган хизмат кўрсатиш персонали ходимларининг сони объектларнинг нормал ишлаши ва сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган минимал миқдорда белгиланади.

Томонлар мазкур объектларда авария ҳолатларида созлаш-тиклаш ишларини бажарадиган ва бошқа Томон давлати ҳудудига фуқароларнинг амалдаги миллий паспортлари ўзлари билан мавжуд бўлган ҳолда ҳудудида мана шу объектлар жойлашган давлат Томонининг ваколатли органлари тарафидан юборувчи Томондан дипломатик каналлар орқали олдиндан тақдим этилган шахслар рўйхатларига биноан давлат чегараси чизигида бериладиган олдиндан расмийлаштирилган рухсатномалар асосида визасиз кириш, чиқиш ва унда бўлиш ҳуқуқига эга бўлган хизмат кўрсатиш персонали ходимларининг резерв миқдорини белгилайдилар.

4-модда

Бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган ва бир Томоннинг ҳўжалик объектларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган автотранспорт, механизмлар ҳамда махсус техника юборувчи Томондан дипломатик каналлар орқали олдиндан тақдим этилган рўйхатларга биноан ҳудудида ҳўжалик объектлари жойлашган давлат Томонининг ваколатли органлари тарафидан давлат чегараси чизигида бериладиган олдиндан расмийлаштирилган рухсатномалар асосида бу Томон давлати ҳудудига киради, чиқади ва унда бўлади.

Бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган ва бир Томоннинг ҳўжалик объектларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган автотранспорт, механизмлар ҳамда махсус техникасига рухсатномаларни расмийлаштиришда сарф қилинган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган рўйхатга олиш йиғимлари ундирилади. Рухсатнома намунаси, унинг амал қилиш муддати ва уни расмийлаштириш учун йиғим ҳажмини рухсатномани берадиган Томон белгилайди ҳамда бошқа Томон эътиборига дипломатик каналлар орқали маълум қилади.

Ҳўжалик объектларининг ишлаши учун зарур бўлган ва олиб кирилиши ҳамда олиб чиқилиши лозим бўлган юклар, материаллар, ускуналар ва техника тўғрисидаги маълумотларни келишиб олиш мақсадида Томонлар бир-бирларига дипломатик каналлар орқали олдиндан тақдим этадилар. Томонлар келишувга кўра автотранспорт, механизмлар ва махсус техниканинг ҳаракат йўналишини, уни жойлаштириш ерини ҳамда юклар, материаллар ва ускуналар турадиган жойни белгилайдилар.

5-модда

Томонларнинг ҳар бири тузиладиган контрактларга мувофиқ пуллик асосда ўз давлати ҳудудида бошқа Томон ҳўжалик объектларининг хавфсизлиги ва бутунлигини таъминлайдилар.

Туркманистон ҳудудида жойлашган Қарши ва Аму Бухоро каналларининг ишлашини таъминловчи, шунингдек Туямўйин сув омборининг биргаликдаги мулкдори ҳисобланувчи ҳўжалик объектларининг бутунлигини таъминлаш контракти нархи бир йилга 300 (уч юз) минг АҚШ доллари миқдорида белгиланади (ҳар бир объект учун бир йилга 100 (юз) минг АҚШ долларидан).

6-модда

Томонлар ушбу Битим кучга киргандан сўнг ўттиз кун давомида ушбу Битимнинг амал қилиши дахл қиладиган ҳужжатларнинг нусхаларини дипломатик каналлар орқали алмашадилар.

Янги рухсатномалар жорий қилинадиган ёки амалдаги рухсатномаларга ўзгартишлар киритиладиган ҳолларда Томонлар бу тўғрида бир-бирларини хабардор қиладилар ва янги ёҳуд ўзгартирилган рухсатномаларнинг намуналарини уларнинг киритилишидан камида ўттиз кун илгари дипломатик каналлар орқали юборадилар.

7-модда

Томонлар заруратга кўра ушбу Битимни бажариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

8-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра ушбу Битимга унинг 10-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ кучга кирадиган ва Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиш ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

9-модда

Ушбу Битим қоидаларини бажариш ёки қўллаш давомида юзага келадиган ҳар қандай масалалар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

10-модда

Ушбу Битим имзоланган кундан ўн беш кун ўтгач кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томондан ушбу Битим амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисидаги расмий хабарнома олган санадан кейин тўқсон кун ўтгунича амал қилади.

Бухоро шаҳрида 2004 йил 19 ноябр (Санжар)да икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Туркманистон ҳукумати номидан
Туркманистон Президенти
Сапармурод НИЁЗОВ

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётидан

САЙЛОВОЛДИ ТАДБИРЛАР

Қарши иқтисодиёт коллежида «Мен биринчи марта сайловда овоз бераман» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. **ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши** биринчи котиби О.Равшанов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аҳамияти, унда ёшларнинг иштироки муҳимлиги ҳамда ЎзХДПнинг дастурий мақсадлари, мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб берди. Иштирокчи ёшлар сайловлар ва партия ҳаётига оид ўзларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб олдилар.

Касби қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон ХДП IV қурултойи якунлари, унда қабул қилинган ҳужжатларни ўрганишга бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши биринчи котиби А.Холов ёшларга Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни, сўллик позициясининг мазмун-моҳияти тўғрисида ахборот берди. Иштирокчилар бўлажак сайловлар ва унда ёшлар иштирокининг аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

ХДП Қарши туман кенгаши ҳузурида ташкил этилган Ёшлар марказининг навбатдаги йиғилишида Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда ёшларнинг иштироки, илк маротаба сайловда иштирок этаётган ёш фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари муҳокама қилинди.

ЎзХДП Қамаши туман кенгаши «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими билан биргаликда маҳаллалар, ўқув муассасалари, фермерлар уюшмалари ва аҳоли марказларида сайловолди тадбирларини ташкил этмоқда. Ёртепа касб-ҳунар коллежи, «Окработ» фермерлар уюшмаси ҳудудида ташкил этилган шундай тадбирларда сайлов қонунчилиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилиб, бўлажак сайловларнинг халқимиз ҳамда мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилди.

Уйчи туман партия кенгаши «Нотўқимамато» ҳиссадорлик жамиятида икки палатали парламент, бўлажак сайловларнинг мазмуни ва сайлов қонунчилигига бағишланган мулоқот ўтказди.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Урганч шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими билан биргаликда «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуида плакатлар кўригини ўтказди. Кўпгина ёш мусаввирлар репродуктив саломатлик муаммолари, уларнинг ечими тасвирланган плакатлар билан танловда иштирок этдилар. Голиблар тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда минтақавий низоларнинг олдини олишга, Марказий Осиё ва Афғонистонда барқарорликни янада мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бошланди

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Буюк Британия халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда АҚШ, Европа ва МДҲ мамлакатларидан экспертлар, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, НАТО, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқдалар.

Икки кун давом этадиган анжуманда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга оид ҳамда халқаро террорчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, қурол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби дунёвий муаммоларга қарши курашда ҳамкорликни фаоллаштиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев ялпи хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган муаммоларга қарши ҳамкорликда ва изчил курашилгандагина қутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади. Ўзбекистон бу курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Президент Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, хавфсизлик йўлида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни давр тақозо этмоқда.

Минтақавий хавфсизлик ҳақида гап кетганда, Афғонистонни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, бу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилмас экан, нафақат Марказий Осиё, балки дунё хавфсизлиги жиддий таҳдид остида қолаверади. Шу боис конференция қатнашчилари Афғонистондаги вазият юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

— Афғонистон ҳамон халқаро миқёсдаги ғайриқонуний наркобизнеснинг таянч нуқтаси бўлиб қолаётир, — деди Буюк Британия халқаро муносабатлар институти вакили Жеймс Никсей. — Европада ноқонуний сотилаётган оғунинг қарийб 90 фоизи Афғонистон ҳудудида етиштирилган. Шундай экан, бундай муаммога барҳам беришнинг ягона йўли барча мамлакатларнинг ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб курашишидадир.

Тадбирда террорчиликнинг молиявий илдизларини йўқ қилиш борасида ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинади.

Конференция иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий низоларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Россия, АҚШ, Европа давлатлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган дастур ва лойиҳаларини муҳокама этадилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов сўзга чиқди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири

САЙЛОВНИНГ ИККИНЧИ ТУРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Украинада президентлик сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтди.

Украина Марказий сайлов комиссияси бюллетенларнинг 99,38 фоизини ҳисоблаб чиқиб, Ющенко сайловчиларнинг 46,7 фоиз овозини олганлигини, бош вазир Виктор Янукович эса 49,42 фоиз овозга эга бўлганлигини маълум қилди.

Мамлакат президентлигига ўз номзодини қўйган Виктор Ющенко Марказий сайлов коммиссиясига нисбатан ишончсизлик билдирди. У ўз тарафдорларини кўчаларга чиқиб, норозилик намойишларини уюштиришга чақирди.

Сайловчилар диққатига!

ОВОЗ БЕРИШ ЯШИРИН ХОЛОС, ҚОЛГАНИ ОШКОРА

Сайловнинг очиқ ошкора ўтишидан барчамиз манфаатдормиз — сайловчи ҳам, сайланувчи ҳам, сиёсий партия ҳам. МСК матбуот марказининг шиори шундай: сайловда фақат овоз бериш (бюллетенни қутига ташлаш)гина яширин бўлади. бошқа жараёнлар ҳаммаси очиқ, ошкора, демократик тарзда ўтади. Бу борада эса, табиийки, оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти беқиёс. ОАВ сайловнинг адолатли ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарорини эълон қилди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг давлат ОАВда чиқишлари қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси каналларида

Шанба кунлари	ЎзТВ-1	«Ёшлар» телеканали	«Ўзбекистон радиоканали	«Ёшлар» радиоканали
	7.10-7.25 20.20-20.25 21.05-21.20 5 дақиқа роликлар	7.35-7.50 19.35-19.50 21.55-22.00 5 дақиқа роликлар	10.00-10.05 10.05-10.20 15.00-15.15 5 дақиқа роликлар	8.00-8.05 8.05-8.20 16.30-16.45 5 дақиқа роликлар

Жами бўлиб ҳафтасига 40 дақиқа, шу жумладан кўрсатув (эшиттириш)га 15 дақиқадан икки марта, 5 дақиқа — партиямиз етакчисига, 5 дақиқа теле(радио) роликлар учун ажратилади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг шанба сонларида, «Правда Востока» газетасининг жума сонларида сайловолди ташвиқоти материалларини нашр қилиш учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади.

Тақдимот

ЭРКИН СЎЗ САРИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш сари залворли қадамлар ташланмоқда. Албатта, бу йўлда, энг аввало, суд мустақиллигига ва сўз эркинлигига эришиш муҳим шартлардан бири.

Шу йилнинг 2-3 февраль кунлари пойтахтимизда «Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Яқинда ана шу анжуманни ўзида акс эттирган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Америка юристлар ассоциацияси CEELI дастури ҳамкорлигида тайёрланган илмий-амалий қўлланма нашрдан чиқди. Тошкент Давлат юридик институтида қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Жамоатчиликка тақдим этилган мазкур қўлланмада суд мустақиллиги ва матбуот эркинлиги, ахборот олиш муаммолари, ҳуқуқий мавзуларнинг матбуотда ёритилиши ва журналистларнинг профессионаллиги масалалари юзасидан дунёнинг етакчи мутахассислари билдирган фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Шунингдек, китобда АҚШ, Германия, Грузия сингари давлатларнинг суд ва матбуотига тегишли ибратли тажрибалари билан ҳам танишиш мумкин.

Тақдимот маросимида яна бир янгилик — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси илмий-амалий журналининг янги сони ҳам намойиш этилди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

Тадбир

БИЗ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман Кенгаши қошидаги «Ҳаёт мактаби» ёшлар клуби ташаббуси билан Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» номли тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда иштирок этган тиббий мутахассислар гиёҳвандлик дунёвий муаммо эканлиги, унинг инсон ҳаётига зарари хусусида ҳаётий мисоллар орқали гапириб, бу иллат билан муросасиз курашиш барчанинг бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар. Талабаларни қизиқтирган саволларига жавоблар қайтаришди.

— Жаҳонда тенглар ичра тенг бўлишимиз учун сиз ёшлардан ақл-заковат, жисмоний куч-қудрат ва баркамоллик талаб этилади, — деди ЎзХДП Сирғали туман кенгаши котиби Зухра Ҳакимова. — Ватан сизларга таянади, ишонади.

Тадбир сўнггида шу мавзудаги клуб аъзолари иштирокида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

XORIJDA

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ЮКСАЛМОҚДА

Бу жараёнда Хитой ва Ҳиндистон етакчилик қилиши табиий. Улар эришган ютуқлар эса бошқа мамлакатларнинг ўсиш суръатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 1990 йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг ўртача ўсиш суръати 2 фоизни ташкил этган бўлса, 2006-2015 йилларда бу кўрсаткич 3,4 фоизга етади.

Банк ривожланаётган мамлакатлар орасида энг катта натижаларга эришаётганларнинг рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, Шарқий Осиё (7,8 фоиз), Европа ва Марказий Осиё (7 фоиз) ҳамда Жанубий Осиё (6 фоиз) минтақалари иқтисодий юксалишнинг энг юқори кўрсаткичларига эришади. Бу рўйхатни Жанубий Осиё (6 фоиз), Лотин Америкаси, Кариб ороллари, Яқин Шарқ, Шимолий Африка (4,7 фоиз) ҳамда ҳозирча иқтисодий аҳволи жуда мураккаб бўлган Саҳрои Кабир жанубидаги мамлакатлар (3,2 фоиз) якунлайди.

Шу билан бирга, ўсиш суръатлари 2005-2006 йиллар давомида пасайши мумкинлигини ҳам банк вакиллари эслатиб ўтишди. Чунки айни пайтда нефть таннархининг ўзгарувчанлиги ва Хитой иқтисодиётидаги муаммолар кўламини башорат қилиб бўлмаяпти. Улар бу муаммоларни ҳам бошқара билса бўлади, деган фикр билан ўз ҳисоботларини якунлайди.

Ривожланаётган мамлакатлар жорий йилда 30 йил давомида кузатилмаган иқтисодий ўсишга эришади. Бу ҳақда Жаҳон банки «2005 йилнинг иқтисодий истиқболлари» деб ном олган иқтисодий ҳисоботида маълум қилди.

Ҳисобот муаллифларининг фикрича, ушбу мамлакатларнинг аксарияти БМТ томонидан қабул қилинган Ер юзида 2015 йилгача қашшоқлик даражасини кескин камайтириш борасидаги «Мингйиллик ривожланиш» дастурини амалга ошириш имкониятига эга.

Хўш, дунёни юксакликка етаклаётган ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш қандай кечаяпти?

«Экономист» («Иқтисодчи») журнали ўтказган тадқиқотларга кўра, Ирландия энг юқори фаровон ҳаётга эришган мамлакатлар рўйхатининг бошида турибди. Яъни, Ирландия 2004 йил ҳисобига кўра, 110 мамлакат ичида энг юқори кўрсаткичга эришган номзод деб эътироф этилди.

Рўйхатга киритилган мамлакатлардаги инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча омиллар, яъни одамларнинг даромадидан тортиб, жамият эркинлиги, тиббий хизмат, оилавий бахт, жинслар тенгилигию, об-ҳавогача ҳисобга олинди.

Турмуш тарзи энг юқори бўлган мамлакатлар:

1. Ирландия
2. Швейцария
3. Норвегия
4. Люксембург
5. Швеция
6. Австралия
7. Исландия
8. Италия
9. Дания
10. Испания

— Ирландия мамлакатдаги ишсизлик даражасининг пастлиги, сиёсий эркинликнинг юқорилиги ва оилавий ҳаётнинг барқарорлиги учун ҳам бу рўйхатга бошчилик қилмоқда, — дейди нашр муҳаррири Даниэл Франклин.

Бу мамлакат жиддий ислоҳотларни амалга ошириш эвазига иқтисодий ўсишда бошқа мамлакатлардан анча ўзиб кетганди. Бироқ бу натижалар мамлакат ривожланиши ҳар томонлама муваффақиятли кечаяпти деб ҳисобламайдиган ирландияликлар учун кутилмаган воқеа бўлди.

Одамлар онгида энг ривожланган давлатлар сифатида шаклланиб қолган Франция, Германия, ва Буюк Британия 25, 26 ва 29 ўринларни эгаллаб туришибди. Бу мамлакатларда инсонларнинг катта даромадларга эга бўлиши ижтимоий тенгсизлик ва ажрашишларнинг юқори даражаси каби омилларни енга олмади.

Қизиғи шундаки, барча соҳаларда илғорликни қўлга киритишга интилган АҚШ ҳам биринчи ўнталикдан жой ололмади. Унга 13-ўрин насиб этди. Хитой олтмишинчи, Россия эса бир юз бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Рўйхатни 111-ўринда турган Зимбабве якунлайди.

Хуршид РАУПОВ

Иқтисодиёт ва ислоҳот



ОРОЛБЎЙИ ХИРМОНИ

ҚАЙТА ИШЛАШГА ТАЙЁР, — ДЕЙИШМОҚДА «ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ» БИРЛАШМАСИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ

Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари учун омадли келди. Ҳақиқий маънода пахта йили бўлди.

Мамлакатимиз Президенти меҳнаткашларни катта зафар билан табриклаб, уларга бундан буён ҳам Ватан равнақи йўлида ҳормай-толмай ғайрат кўрсатишларини тилади.

Қорақалпоғистонлик уста деҳқонлар мамлакат хирмонига режадаги 176 минг тонна ўрнига қарийб 184 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб беришди. Айниқса, Амударё тумани деҳқонлари қарийб 36 минг тонналик хирмон кўтариб, барчага ўрнак бўлишди. Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли туманларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

— Хўш, шундай катта ҳосилни қайта ишлашга пахта тозаловчилар тайёрми?

— Барча пахта тозалаш корхоналари 2004 йил ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга шай, — дейди «Қорақалпоқпахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси раиси Баҳром Қўшакеев. — Тўққизта пахта тозалаш заводи ва 42 та пахта қабул қилиш пункти тўлиқ таъмирланиб, шай ҳолга келтирилди. Август ойининг бошларида тузилган махсус комиссия уларни қабул қилиб олди. Корхоналарнинг ҳаммасида маҳсулот сифати ва ўнумдорлигини таъминлаш мақсадида мукаммаллаштирилган технология бўйича реконструкция ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Пахта тозалаш заводларида толадан ажратиб олинган чигитни ўлчаш учун замонавий компьютерлаштирилган электрон тарозилар ўрнатиш режалаштирилган эди. Бу иш 15 августгача бажарилди. 707 та пахта қабул қилиш майдончаси таъмирланди ва 65 та автотарози «Эталон» заводи мутахассислари томонидан таъмирланиб, мавсумга шайланди.

Пахта хомашёсини қабул қилишда фойдаланиладиган лаборатория асбоб-ускуналари, жумладан, пахта намлигини аниқлайдиган ВХС-1 м ускунасидан 63 та, ифлослигини аниқлайдиган ЛКМ ускунасидан 80 та ўрнатилди. Пахтанинг навини аниқлашга ёрдам берадиган ЛПС-4 ускуналаридан эса 57 таси ўрнатилди.

Яна битта муҳим тадбир амалга оширилдики, бунинг натижасида катта меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосилни асраб-авайлаш мумкин. Яъни, 3228 та брезент шайлаб қўйилганди. Ёғин-сочинли кунларда бу асқотяпти. Кичик механизмлар ҳам қайта таъмирланди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Қисқа вақт ичида 22 та автомашина, 73 дона НШ-600 насоси ва 87 та ҳовуз таъмирланиб, сув билан тўлдирилди. Жин, линтер, пресслаш машиналари ҳам шайланди. «Тўрткўл» пахта тозалаш заводи ёнидаги цехда пахта тойларини ўраш учун ишлатиладиган матолар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилди.

Республика бўйича кўрилган бу тадбирлар ўз самарасини бермай қолмади. Энг муҳими, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Бу биринчи навбатда олий навли тола олишга имкон берса, иккинчидан, деҳқонларнинг манфаатдорлигини кўтаришга хизмат қилади.

Пахта қабул қилиш сентябрь ойининг ўрталарида бошланган эди.

Маррага биринчи бўлиб Қораўзак тумани пахтакорлари етиб келишди. Қўнғирот, Қанликўл, Тахтакўпир, Кегайли, Чимбой туманлари ҳам тезда режани уддалашди. Энг кўп пахта етиштирувчи Амударё, Элликқалъа, Тўрткўл туманлари ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Беруний тумани гарчи режани бажаролмаган бўлса-да, Ватан хирмонига қарийб 20 минг тонна пахта етказиб берди.

Маълумки, мўл ва сифатли пахта етиштириш учун олий навли уруғлик тайёрлаш талаб этилади. Шу боис, хўжаликлар ҳам, фермерлар ҳам биринчи галда уруғлик пахта тайёрлашга ҳаракат қиладилар. Пахта тозаловчилар эса келгуси йил учун юқори репродукцияли уруғлик чигит тайёрлашни асосий бурчлари деб биладилар. Қорақалпоғистонликлар бу борада ҳам маррадан ўзишди. Яъни, режадаги 17800 тонна ўрнига 18808 тонна уруғлик пахта тайёрланди. Айниқса, ғўзанинг «С-4727» нави уруғидан юқори репродукцияли 11047 тонна уруғлик чигит ҳозирланди. 4203 тонна «Оқдарё-6», 3558 тонна «Бухоро-6» навли уруғлик пахта тайёр ҳолга келтирилди.





Умуман олганда, «Қорақалпоқпахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига қарашли пахта тозалаш заводлари ҳам хомашёни сифатли қайта ишлашда катта тажриба орттирган. Узоққа бориб юрмай, биргина ўтган йилни олайлик. 2003 йил пахта ҳосилидан 86686 тоннаси қайта ишланиб, ундан 28047 тонна тола ажратилди. Тола чиқиши режадаги 31,9 фоиз ўрнига 32,4 фоизни кўрсатди. Ишлаб чиқарилган толанинг сифати 90,5 фоизни ташкил этди. Бу аввалги йилга нисбатан 5,7 фоиз ўсишга эришилди, демакдир.

Толанинг синфларига тўхталадиган бўлсак, бу кўрсаткич ҳам ёмон эмас. Чунончи, толанинг 15,3 фоизи олий, 52,8 фоизи яхши, 31,9 фоизи ўрта навли деб баҳоланди. Оддий ва сифатсиз синфга мансуб толалар бўлмади.

Корхоналарда тайёрланган толалар жаҳон бозорида ўз харидорини топмоқда. Биржаларда Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган толага юксак баҳо берилаётир. Бунга ёрқин мисол сифатида шуни айтиш мумкинки, шу йилнинг 19 июнь куни Бутунжаҳон маркетинг ташкилоти томонидан Голландиянинг Амстердам шаҳрида ўтказилган конгрессда «Қорақалпоқпахтасаноат» бирлашмасига пахта толасининг сифати учун халқаро «Олтин юлдуз» мукофоти берилди. Хўжайлидаги «Халқобод толаси» очиқ акциядорлик жамиятига ҳам халқаро мукофот берилган.

Айниқса, Амударё тумани маркази Манғит шаҳридаги «Юлдуз» очиқ акциядорлик жамиятида эришилаётган ютуқлар диққатга сазовор. Қамол Раҳимов раҳбарлигидаги корхонанинг аҳил жамоаси маҳсулотни сифатли қайта ишлаб, аъло навли тола ишлаб чиқарганлиги боис, Испаниянинг Мадрид шаҳрида «Олтин юлдуз» мукофотига сазовор бўлди. Яқинда Буюк Британия пойтахти Лондондан корхонага хушхабар келди. Акциядорлик жамияти маҳсулоти халқаро «Сифат олтин тожи» мукофотига лойиқ кўрилибди. Бу корхона меҳнаткашларини янги-янги зафарларга чорлайди, албатта. Ўтган йили пахта тозаловчилар 20 минг тонна атрофида пахта қабул қилиб, уни шу йилнинг апрель ойидаёқ қайта ишлаб бўлишган эди. Бу йил эса 36 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилиб олинди. Демак, корхонадагилар келгуси йилнинг август ойида ҳам ушбу хомашёни қайта ишлайдилар. Бу ўз-ўзидан одамлар ишсиз қолмайди дегани. Мўмайгина даромад дегани.

Айни кунларда қорақалпоғистонлик пахтани қайта ишловчилар иши қизигандан қизимоқда. Уларнинг қўли қўлига тегмайди. Қайта ишланган сифатли тола тойлари пешма-пеш терминалларга олиб бориб тахланмоқда. Ҳадемай жаҳон биржаларида тола савдоси қизиб кетади. Ана ўшанда деҳқоннинг ҳам, пахта тозаловчининг ҳам рўзғорига қут-барака киради.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратларда:

1) «Қорақалпоқпахтасаноат» бирлашмасига пахта толаси сифатига берилган халқаро «Олтин юлдуз» мукофоти.

2) Амударё тумани Й.Ўрозбоев номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси бош агрономи Бозорбой Пирматов ва бирлашма раиси Йўлдош Абдуллаевлар.

3) «Қорақалпоқпахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси раиси Баҳром Қўшакеев.

Биз билган ва билмаган тарих

ЛАНГАР ОТА — МУҚАДДАС МАКОН

Юртимизда Лангар ота номи билан аталувчи қишлоқлар сони 7 тани ташкил этади. Қизиғи, бундай масканлар қўшни ўлкаларда ҳам учрайди. Ушбу тарихий жойлар ривоятларга бойлиги, азиз авлиёлар қадами етган ёки мангу ором топган табаррук маскан сифатида бугун ҳам кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Аслида она заминимиз ҳар қаричида не-не аждодларимиз кечмишининг унсиз хотиралари яширин бўлиб, улар қатидан бизгача етиб келган ҳар бир афсонани эъзозламоғимиз, ибрат олмоғимиз зарур.

Биз шу ўринда Чироқчи туман ҳудудидаги Қалқама водийсига қарашли Лангар ота қишлоғи ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бу ер ўтмишда ўзига хос шаҳарча сифатида маълум ва машҳур бўлиб, Китоб беклигига қараган. Шўролар даврида ҳам, ундан кейин ҳам бу жой нисбатан кам ўрганилган. Хўш унинг ўзига хослиги, тарихи нималардан иборат?

Қишлоқда азалдан йигирмага яқин ўзбек уруғлари яшаган. Уларнинг уруғбоши ва оқсоқоллари вафотидан сўнг шу ерда-ги қабристонга келтириб дафн этилган.

Ҳозирги кунда ушбу қишлоқда уч минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Яқин-яқингача бу ерда худди шаҳардагидек гузарлар, уларда кичик меҳмонхоналар бўларди. Қишлоқни эса қадимдан оқсоқоллар бошқариб келган. Хижрий 122 йилда (милодий 840) қурилиб, кейинроқ дарё бўйига кўчирилган Абул Ҳасан Ишқий номидаги жоме масжиди ҳамон қад ростлаб турибди. Жимжимадор арча устунлари нақшлар билан безатилган ушбу ёдгорлик шўролар даври талотўпларидан зўрға омон қолган.

Катта қабристондаги 2 та хонақоҳда қишлоқнинг Лангар ота деб номланишига сабаб бўлган шайхлар хилхонаси мавжуд. Кичик хонақох қурилиши, маълумотларга кўра, Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ниҳоясига етказилган. Шарқий хонақох 11Х9,5 метр ҳажмда бўлиб, ғиштдан гумбаз шаклида тикланган. Унинг ичида 4 та сағана бўлиб, уларнинг бирида Шайх Абул Ҳасан Ишқийнинг невараси Мирим шайх дафн этилганлиги тахмин қилинади. 15Х12,5 метрли иккинчи хонақохда эса 8 та сағана жойлашган. Уларнинг биротасида ёзувлар сақланиб қолмаган. Бироқ кичик хонақох атрофидаги қабртошлар ёзувларида Шайх Абул Ҳасан Ишқий авлодлари — Муҳаммад Боқи Шайх Ишқий, Салимхўжа Ниёзмуҳаммад хўжа номлари битилган. Бу исмлар шу қишлоқликлар қўлида сақланиб келаётган уч дона Абул Ҳасан Ишқий авлодлари шажарасидаги номларга айнан мос келади.

Ушбу шажаралардан бири асл ҳолича сақланган қўш муҳр билан муҳрланган. Бу шажаралар ислом тарихидаги силсилалардан бири — ишқия силсиласини яратган Шайх Абул Ҳасан Ишқий авлодлари тарихини ўрганишда қимматли манбаа ҳисобланади. Шу қишлоқлик қарияларнинг гувоҳлик беришича, бир пайтлар Лангар ота шайхлари ҳақида ёзилган «Маноқиб» тарихий рисоласи ҳам бўлган. «Лангар» сўзининг маъносига келсак, у ўнлаб атама ва сифатдошларга эга. Жумладан, лангар, лангарчўп — дорбозлар таёғи; ислом сўфийлари лангар ташлаган, яъни келиб жойлашган макон, мусофирхона; етимесирлар, бева-бечораларга озиқ-овқат, бошпана берадиган ер маъноларини беради. Айрим манбаларда у мўғулча «лангур», яъни улуғ, муқаддас қабр, гўр маъноларида ҳам келтирилади.

Энди икки оғиз тасаввуфнинг ишқия силсиласи ҳақида тўхталсак. Бу силсила тўғрисида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Айрим манбаларга кўра, ишқия силсиласининг бошланиши Султон Вайсил Қиронга (Қорайнин), Пайғамбаримиз чорёрларидан Ҳазрати Умарга, Шайх Боязид Бастомийга ва Шайх Абул Ҳасан Ишқийга бориб тақалади.

Қадимшунос Массон келтирган маълумотга кўра, ҳинд тарихчиси Аҳмад Кашмирийнинг «Шайхлар авлодларининг шажара дарахти» китобида ишқия силсиласининг Ҳиндистонда тарқалиши ва ишқия шайхлари шажараси берилади. Шунингдек, муаллифи номаълум бўлган «Имоннинг муфассал баёни» рисоласида ҳам ишқия силсиласи ҳақида маълумотлар бор. Абу Абдураҳмон ал-Муозийнинг китобида ишқия тўғрисида қуйидаги таъриф берилган: «Бу силсиланинг бошида Абул Ҳасан Ишқий туради. У эса Хожа Баҳоуддиннинг замондошидир».

Абул Ҳасан Ишқийнинг вафотидан кейин ушбу силсилани унинг ўғли Худойқул Шайх, ундан кейин эса Илёс Шайх бошқаради. Илёс Шайх Ишқий Самарқандда яшаб, Хожа Аҳрор билан замондош бўлган. Ишқия шайхларининг қабртошлари Қалқама Лангар отасида, Шаҳрисабз туманидаги Қиёмиддин шайх ва Самарқанддаги Остона ота қабристонларида учрайди.

Шайх Абул Ҳасан Ишқий, унинг авлодлари ва издошлари ҳақидаги энг холис маълумотлар Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида келтирилган. Унда Шайх Абул Ҳасан Ишқий ва 8 нафар шайх ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Навоий таърифича, Абул Ҳасан Ишқий асли хоразмлик бўлиб, туркий машойихлардандир. Шунингдек, Лангар ота қишлоғида сақланаётган учта шажарада ҳам ишқия шайхлари ҳақида мукаммал маълумотлар берилган.

Хуллас, ишқия силсиласи ва унинг асосчиси Абул Ҳасан Ишқий ҳаёти ва фаолияти ўрганишга арзийдиган манба бўлиб, тарихчи олимларимиз, исломшуносларимиз томонидан тадқиқ этишга муҳтож. Очиғини айтганда, Лангар ота қишлоғи нафақат тарихчилар, балки қадимшунослар ҳамда ўлка табиатини ўрганувчилар учун битмас-туганмас хазинадир. Қишлоқдаги Мунтоқтепа, оташпарастлар қабристонидаги сопол тобут, оссуарий ва остодонлар ўз тадқиқотчисини кутиб ётибди. Лангар тоғларидаги тош асрига оид Кўчқортош қояси, Қозонтош, Тешиктош, Конизар ғорлари, Садиртош ёдгорликлари ҳам ҳар бир зиёратчини қизиқтириши табиий.

Бизнинг бу ёзганларимиз эса қишлоқ тарихи, у ердаги табаррук қадамжолар билан боғлиқ тафсилотларнинг бир қисмигина холос. Ачинарлиси, Лангар ота қишлоғидаги ҳар иккала хонақох ва масжид бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. Уни республикамиздаги бошқа ноёб тарихий обидалар қаторида асраб-авайлаб, ҳимоялаб, келажак авлодга етказиш эса биз авлодларнинг эзгу вазифамиз ҳисобланади.

Фози РАҲМОН

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159

7259 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 22.10
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda

Футбол

«САМАРҚАНД-Д» ВА «АНДИЖОН»

ОЛИЙ ЛИГАНИ ТАРК ЭТДИ

Шанба куни футбол бўйича ўтказилган 26-тур учрашувларидан сўнг Ўзбекистон XIII миллий чемпионати олий лига баҳсларини ниҳоясига етди.

Мавсум ғолиб ва совриндорлари номи бир неча тур аввал аниқланганди. Чемпионат баҳсларини юксак савияда якунлаган «Пахтакор» футболчилари бешинчи маротаба Ўзбекистон чемпиони, деган унвонга сазовор бўлдилар. Ўзбек футболи тарихида саккизинчи маротаба иккинчи ўринни эгаллаган «Нефтчи» жамоаси кумуш, «Навбаҳор» футболчилари эса бронза медалларини қўлга киритди.

Охирги тур баҳслари чемпионатнинг омадсиз жамоалари номини аниқлаб бериши лозим эди. 16 ноябрь куни Ўзбекистон Футбол федерацияси чемпионат аъзолик бадалларидан қарздор «Сурхон» (10 миллион сўм) ҳамда «Бухоро» (5 млн.) жамоаларига жазо қўллади. Натижада пулларни ўз вақтида тўламаган бу жамоалар ҳисобидан учтадан очко олиб ташланди. Аммо охирги тур ўйинлари қандай ҳисобда якунлашидан қатъи назар, бу чемпионат жадвалига деярли таъсир ўтказмади.

Термизда уюштирилган «Сурхон» — «Қизилқум» учрашуви гарчи кўпчиликнинг эътиборида турган бўлса-да, мезбонлар барибир ўз мақсадларига эришдилар — 2:1. Термизликларнинг мағлубиятини кутган мавсум аутсайдерлари — «Самарқанд-Д» ва «Андижон» жамоалари ҳам ўзларига нисбатан кучлироқ рақибларни енгди. Бироқ самарқандликларнинг «Локомотив» (3:1), андижонликларнинг «Сўғдиёна» (2:0) жамоалари устидан қозонган ғалабалари уларга ёрдам бермади. Демак, «Самарқанд-Д» ва «Андижон» футболчилари келгуси мавсумни биринчи лигада ўтказадиган бўлдилар.

26-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Трактор» — 4:4, «Машъал» — «Насаф» — 4:3, «Металлург» — «Навбаҳор» — 4:3, «Нефтчи» — «Бухоро» — 3:1.

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор» Тошкент	26	22	3	1	81-15	69
2. «Нефтчи» Фарғона	26	21	2	3	61-26	65
3. «Навбаҳор» Наманган	26	18	3	5	66-23	57
4. «Насаф» Қарши	26	17	3	6	66-31	54
5. «Трактор» Тошкент	26	13	2	11	46-50	41
6. «Локомотив» Тошкент	26	10	6	10	37-35	36
7. «Бухоро» Бухоро	26	10	3	13	31-45	30 (-3)
8. «Сўғдиёна» Жиззах	26	9	2	15	24-47	29
9. «Металлург» Бекобод	26	8	3	15	26-48	27
10. «Машъал» Муборак	26	8	3	15	34-43	27
11. «Қизилқум» Зарафшон	26	6	7	13	28-48	25
12. «Сурхон» Термиз	26	7	2	17	24-52	20 (-3)
13. «Самарқанд-Д» Самарқанд	26	6	2	18	25-48	20
14. «Андижон» Андижон	26	6	1	19	30-68	19



Футбол

КУЧЛИЛАР ОЛИЙ ЛИГАГА ЧИҚАДИ

Бугун пойтахтимиздаги «Трактор» ва NBU—Осиё» стадионларида олий лигага йўлланма берувчи ўтиш турнири баҳсларига старт берилади. Унда биринчи лиганинг шарқий ва ғарбий гуруҳларида ғолиб чиққан тўртта жамоа иккита йўлланма учун баҳс юритади.

23 ноябрь

«NBU-Осиё» (Тошкент) — «Цементчи» (Кувасой). «NBU-Осиё» стадиони.

«Тўполанг» (Сариосиё) — «Шўртан» (Ғузор). «Трактор» стадиони.

25 ноябрь

«NBU-Осиё» — «Тўполанг». «NBU-Осиё» стадиони.

«Цементчи» — «Шўртан». «Трактор» стадиони.

27 ноябрь

«Шўртан» — «NBU-Осиё». «NBU-Осиё» стадиони.

«Тўполанг» — «Цементчи». «Трактор» стадиони.

Учрашувларнинг барчаси бир вақтда — соат 14.00 да бошланади.

Бокс

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ



Бугун Анталия (Туркия)да бокс бўйича талабалар ўртасида I жаҳон чемпионати бошланади. Дунёнинг элликдан ортиқ давлатидан спортчилар қатнашиши кутилаётган ушбу мусобақада вакилларимиз ҳам ўнта вазн бўйича рингга чиқишади.

«Чарм қўлқоп» усталаримиз мазкур чемпионатга пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида ҳозирлик кўрдилар.

— Юртимизда иқтидорли боксчилар сони кун сайин ортиб бормоқда, — деди терма жамоа бош мураббийи Шароф Худойбердиев мусобақага жўнаш олдидан биз билан суҳбатда. — Сўнгги ўқув-машғулот йиғинида ҳам жуда кўплаб маҳоратли боксчилар иштирок этишди. Анталия рингларида ана шу боксчиларимизнинг энг моҳирлари юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Бу жаҳон чемпионатида Сидней олимпиадаси совриндори Рустам Саидов (+91 кг.)ни ҳисобга олмаганда, терма жамоа асосини ёшлар ташкил этади. Улар орасида шу йил Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари Илҳом Раҳимов (51 кг., Чирчиқ), Элшод Расулов (69 кг., Қўқон), Аббос Отаев (75 кг., Бухоро) ҳамда Азиз Раҳмонов (91 кг., Рапқон)лар бор. Шунингдек, қолган вазнларда рингга чиқадиган Фозил Файзиев (48 кг., Бухоро), Азиз Улуғов (54 кг., Навоий), Абдуғафур Умаров (57 кг., Жиззах), Беҳзод Набиев (60 кг.), Жамол Жўраев (64 кг., иккаласи ҳам Тошкентдан)лар ҳам талаба-боксчилар жаҳон чемпионатида медаллар учун асосий даъвогарлардан саналади.

Боксчиларимиз мусобақада қатнашиш учун кеча Туркияга жўнаб кетишди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: мураббий Шароф Худойбердиев ўз шогирдига кўрсатма бермоқда.

Янги китоб

САДОҚАТ САБОҚЛАРИ

Яқинда Республика маънавият ва маърифат кенгаши миллий мафкура илмий тарғибот маркази томонидан ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Эътиқодга бахшида умр» номли китоби нашр этилди



Ушбу мўъжазгина рисола тошкентлик муфтийлар сулоласи: бобо — Эшон Бобохон ибн Абдумажидхон, ўғил — Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, невара — Шамсиддинхон Бобохоновларнинг диний ва ижтимоий фаолиятлари, имонга садоқат борасидаги ибратли фазилатларига бағишланган.

Муаллиф ёзади: **«Бир табаррук хонадондан уч кишининг муфтийлик мартабасига ноил бўлишининг ўзи ҳам исломий эътиқодга содиқлик самараларидандир».** Ҳа, ушбу сулола вакиллари миллат, муқаддас ислом динимиз учун ғоят оғир ва машаққатли бўлган мустабид тузум йилларида майдонга чиқиб, дин ва эътиқод ҳимоячиси сифатида жасорат кўрсатганлар. Ёзувчининг эътироф этишича, **«Собиқ Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати, ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси 60 йилдан зиёдроқ тарихга эга бўлса, шундан 46 йили, яъни 1943 йилдан 1989 йилгача бўлган даврда бу идорага мазкур сулола вакиллари раислик қилдилар. Ҳадис илмини ўрганиш, таржима қилиш, шарҳлаш ва амалга ошириш улар фаолиятининг узвий бўлагини ташкил этади»...**

Бугун бу гапларни айтиш, таъбир жоиз бўлса ёзиш осон. Лекин ўша кўзлари қонга тўлган, қатағон машинаси вақти-вақти билан қурбонлар талаб этган шўролар замонида ислом арконларига садоқат билан хизмат қилиш қийин эди. **«Эшон Бобохон ва у кишининг оила аъзолари 1943 йилнинг кузигача таҳлика остида яшади, ер-сув, мол-мулклари, шаҳар ҳовлилари мусодара қилинди, кўпинча яшириниб юрдилар. Икки марта қамалдилар. Биринчи марта 1937 йили қамоққа олиндилар, ўшанда ёшлари 80 дан ошиб кетган эди. Бир қанча вақт қамокда ўтириб, ёруғликка чиқдилар — терговда уларга қўйилган барча айб исботини топмади. 1941 йили иккинчи марта қамоққа олиндилар, турма азобини тортдилар»...**

Шунингдек, асарда ҳазрати Эшон Бобохон Тиккўчадаги ички ва ташқи қисмларга эга бобомерос катта ҳовлиларини Аллоҳ розилиги йўлида янгидан фаолият бошлаган, бошпанаси йўқ диний идорага эҳсон қилганлари, бу ерда ота-боболари ва ўзлари томонидан асрлар мобайнида тўпланган китоблар билан кутубхона очганлари, ота изидан борган ўғил Зиёвуддинхон Эшон Бобохон эса муфтилик маошининг тенг ярмини муттасил равишда шу кутубхонага китоблар олиш учун сарфлагани маҳорат билан баён этилади. Бугун бу зиё масканига йиғилган минглаб ноёб, диний, тарихий қўлёзмалар, ягона нусхадаги асарлар ҳамда китоблардан толиби илмлар, тадқиқотчилар бемалол фойдаланишлари мумкин. Бундан ҳосил бўлган савоб эса ушбу кутубхона бунёдкорларига тегади. Ҳақиқий мусулмон ўзи ёқтирган нарсасини бошқаларга ҳам лозим кўради. Эзгулик боқийлик эканлигини англаш барчамизга насиб этсин.

Бир кичик битикда мазмуни улуғ бўлган асар ҳақида, унинг моҳияти тўғрисида тўлиқроқ фикр айтиш имкони йўқ. Бир сўз билан ифода этганда, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов ушбу мўъжаз рисолани яратиб савобли ишга қўл урган.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

Интер-спорт

ТАҚВОДОР СПОРТЧИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Британиялик боксчи Дэнни Уильямснинг шу йил 31 июль куни машҳур Майк Тайсонни нокаутли зарба билан енганини мухлислар яхши билишади. У яқинда украиналик Виталий Кличко билан бўладиган жангдан кейин катта спортдан кетмоқчи эканини баён этди.

Унинг сўзига қараганда: «Инсон боласи қўлларини бировга азият етказиш учун ишлатмаслиги керак», экан. Катта боксдаги муваффақиятлари эса тақводор спортчи учун гуноҳи азим билан баробар эмиш. «Иймон-эътиқодимга содиқ қолиш учун ҳам бокс билан хайрлашишга қарор қилганман, — дейди Дэнни. — Мен учун муҳими Оллоҳ. Бокс ҳеч гап эмас. Оллоҳнинг розилигини олишга ҳаракат қиламан».

Эслатамиз, Кличко билан Уильямс ўртасидаги жанг 11 декабрь куни Лас-Вегас шаҳридаги «Мандалай Бэй» казиносига ўрнатилган рингда ўтказилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

ШОДЛИК ВА ҚАЙҒУ ОРАСИ

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда «Барча йўл ҳаракати қатнашчилари йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига қатъий риоя этишлари зарур», деб таъкидланган. Аммо содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳайдовчилар, шунингдек, пиёдалар йўл қоидаларига ҳар доим амал қилишмаётганидан далолат бермоқда.

Андижон шаҳри мамлакатимиздаги аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланади. Шу боис шаҳарда транспорт воситаларининг қатнови бир сония ҳам тўхтамайди. Автомашиналарнинг кўплиги йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги вақтларда айрим ҳайдовчиларда малака етишмаслиги туфайли йўл қоидаларини қўпол тарзда бузиш, пиёдаларнинг эса белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши натижасида кўплаб йўл ҳодисалари содир бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда 190 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Натижада 16 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 198 нафари турли хил тан жароҳатларини олишди. Масалан, Андижон шаҳридаги, Соҳил бўйи кўчасида яшовчи Ш.Султонов «Дамас» русумли автомашинасини кеч соат 19 ларда Бобур шоҳ кўчасида катта тезликда бошқариб бораётиб, йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган нафақадор С.Солиевани уриб юборади. Аёл воқеа жойида ҳалок бўлди. Комил Яшин кўчасида яшовчи Э.Икромов ҳам йўл қоидасига эътиборсизлиги оқибатида фалокатга учради. У Наманган вилоятида яшовчи К.Муҳиддинов бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк машинасининг ҳаракат йўлига чиқиб кетди. Оқибатда оғир тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этди.

Андижон шаҳридаги ҳиссадорлик жамиятларидан бирига тегишли бўлган «Эсперо» русумли автомашина ҳайдовчиси Ш.Тўраев машина тезлигини ошириб юборганидан рулни эплай олмай қолади. Оқибатда йўлнинг ўнг томонида тўхтаб турган, Т.Умаровнинг «Нексия»сига бориб урилади. Натижада ҳар икки машина ҳайдовчилари оғир тан жароҳат олишади.

Бундай кўнгилсиз ҳодисалар туфайли кўплаб хонадонларга



ғам-қайғу, мотам кириб бормоқда. Бу каби фожиали ҳодисаларнинг олдини олиш фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари зиммасидаги мажбурият эмас. Бу масалада ҳаммамиз хушёр бўлмоғимиз даркор.

Айни пайтда болаларга мактаб ва боғчаларга бориб-келишда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишни доимо уқтириб бориш лозим. Ота-оналар, катта ёшдаги кишилар бу борада масъулдирлар. Юқоридаги каби нохуш ҳодисалар бўлмаслиги, аввало, биз катталарга боғлиқлигини унутмайлик.

Яшинбек ИСМОИЛОВ, Андижон шаҳар ИИБ ЙҲХБ бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказнинг фахрийси

Тўлқин Жўраевич АБДУҒОФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ёзувчи Исфандиёрга онаси

Хайрихон аянинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

Сурхондарё вилоят Молия ва назорат-тафтиш бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи

Обобаҳром Турғунович ЮЛДАШЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга волидаи муҳтарамаси

Пўлат ая АҲАДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.